

ISSN: 2545-0573

ЯССАВИЙЛИК ВА НАҚШБАНДИЙЛИК ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ (RELATIONSHIP ISSUE BETWEEN YASAWIYA AND NAQSHBANDIYA)

Ismoilov Kahramonjon Abdumuminovich

*A Researcher of Kokand state pedagogical institute, senior teacher***ARTICLE INFO.**

Key words: the teachings of Yassavi and Naqshbandi, various views and theories, dhikr, Sufi sheikhs, murid, jahriyyah (vocal remembrance), hafiyyah, dhikri botin (remembrance of the heart), the Prophet (P.B.U.H.), the Companions, Gabriel, Paradise, dates, miracle, Divine Gift, mystery, nomads, the eye of insight, knowledge of the G'ayb (Unseen world), sunnah (The Prophet's way and actions (P.B.U.H.)), spiritual value.

Annotation

The article interprets the relationship between the yassaviya and naqshbandiya orders: scientific and practical relations, issues of master and disciple, competition between the representatives of the orders, the process of remembrance in comparison with the views of Uzbek, Turkish, American and German scholars.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

КИРИШ (INTRODUCTION)

XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган нақшбандийлик тариқати алоҳида тариқат сифатида қарор топиб, унинг мавқеи яссавийликдан ошиб кетган бўлса-да, унинг Яссавий дарвишлари сулоласида вужудга келганлигини бугунги илм аҳли тасдиқлайди. Яссавийлик ва нақшбандийлик ўртасидаги илмий-амалий алоқаларга, муршид-мурид муносабатларига, тариқат вакиллари ўртасидаги рақобатчиликка, зикр тушиш жараёнидаги ҳолатларга ғарб олимларининг таҳлилий муносабати диққатимизни тортади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР (MATERIALS AND METHODS)

Америкалик яссавийшунос Девин де Уис тасаввуфнинг турли тармоқ ва йўналишлари бўйича илмий тадқиқот олиб борса ҳам Марказий Осиёдаги тасаввуфий қарашлар тарихи олимнинг асосий тадқиқот йўналишлари сирасига киради. У яссавийлик ва нақшбандийлик ўртасидаги илмий-амалий алоқаларга, муршид-мурид муносабатларига, тариқат вакиллари ўртасидаги рақобатчиликка, зикр тушиш жараёнидаги ҳолатлар ҳақида ўз қарашларини билдиради. У бугунги кунда ҳам сақланиб қолган яссавийлик аънаналари, уларнинг ўзгарган шакллари ва ўзидан кейин вужудга келган тариқатларга ботиний муносабати орқали таъсир этаётган яссавийлик тариқатига далилий фикрлар билан муносабат билдиради. Девин де Уиснинг тасаввуф ва яссавийликка доир мақолалари билан танишар эканмиз, яссавийлик тарихининг муайян бир даврида у нақшбандийлик билан ўзаро рақобатли муносабатга киришгани ва натижада нақшбандийлик Марказий Осиёни эгаллаб олганлиги ҳамда нақшбандий жамоалари айрим масалаларда унинг таркибидан чиққанлигини тан олмасликлари тўғрисида олимнинг мулоҳазалари эътиборни тортади.

Яссавийлик ва нақшбандийлик ўртасидаги шажаравий боғлиқлик кўплаб манқабавий ҳамда тарихий манбаларда ўз аксини топган бўлиб, айрим мутахассислар нақшбандийликка алоҳида мустақил аҳамият бериб, унинг шаклланишидаги яссавийликнинг ўрнига етарли аҳамият бермайдилар. Чунки Яссавий мактабидан етишиб чиққан сўфий-шайхлар ўз муридларига жаҳрийлик руҳини сингдиришда, замонага мос равишда, кўпроқ ташқи зоҳирий белгиларга аҳамият берган ҳолда иш кўрганлар. Бунинг натижасида XV асрда нақшбандийлик кенг миқёсда тараққий этиб, ўзининг янги, намунали таълимоти билан кўплаб сўфийларнинг етишиб чиқишига туртки бўлган. Олимнинг “Машойихи турк ва Хожাগон: Яссавий ва Нақшбандий анъаналари ўртасидаги боғлиқликни қайта англаш”¹ номли мақоласи юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Девин де Уис ушбу мақоласини ёзишда жуда кўп асарларнинг асл нусхаларидан фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, олим XIV аср ўрталарида ёзилган “Маслакул-орифин” асарига бирламчи манбалардан бири сифатида ёндашади. Америкалик олимнинг таъкидлашича, ушбу манбадан тасаввуфшунослар Ҳамид Алгар ва Юрген Паул хожাগон ёки нақшбандийлик тарихини ўрганишда фойдаланмаганлар. Бироқ олим Юрген Паулнинг 1998 йилда нашр этилган “Баҳоуддиндан кейин биринчи авлоддаги Хожাগон-Нақшбандийлик таълимоти ва тузилмаси”² номли катта мақолада айни манбадан фойдаланганлиги, ҳатто ушбу манбанинг алоҳида тадқиқига бағишланган йирик мақоласи кейинчалик амалга оширилганлиги гувоҳи бўламиз. Чунки Девин де Уиснинг юқоридаги мақоласи 1996 йил ёзилган, шунинг учун бу фикрни Ҳамид Алгар ва Юрген Паулларнинг аввалги тадқиқотларига ишора деб қабул қилиш мумкин.

Муаллиф ҳар икки тариқат муносабатларини ойдинлаштирувчи бир ривоят келтиради: Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тушида Яссавий шайхларидан Ҳаким Сулаймон Ота ўз тариқатига даъват қилгандай бўлади. Бундан таъсирланган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Яссавий шайхларидан Халил отани топиб, унга мурид бўлади³. Кейинроқ эса, яна хожাগон тариқатига қайтиб, уни давом эттиришга ҳаракат қилади. Бошқа бир манба “Анису-т-толибин” бўйича фикр юритиб, Хожа Баҳоуддин Халил султонга 6 йил хизматда бўлганлигини маълум қилади.⁴

Девин де Уис ҳар икки тариқат ўртасидаги фарқлар хусусида тўхталаркан, жаҳрийликда кўпинча зикри самоъ йўлидан бориб, тантанаворликка асослангани, хожাগон, яъни нақшбандийликда эса, зикри ботин (қалб зикри) асосий ўрин тутиши эслатилади. Айни шу хусусият туфайли XIV-XVI асрларда бу икки тариқат ўртасидаги рақобатда нақшбандийлик кўли баланд келгани айтилади. Бу жиҳатдан америка олими Ромитонийнинг “Маноқиб Али Азизон Ромитоний” асарига таянган ҳолда иш кўргани эътиборга молик⁵. Шунингдек, олим XVII асрга келиб Шайх Лутфуллоҳ Чустий сиймосида яссавийлик ва нақшбандийликни бирлаштиришга ҳаракат бўлганини ҳам қайд этади.

Бу ҳолат Ҳазинийнинг “Жавохиру-л-аброр” ва “Хужжату-л-аброр” асарларида ҳам қайд этилганини турк олимларидан Ф.Кўпрули биринчилардан бўлиб аниқлаган⁶.

¹ DeWeese, Devin A. “The Masha’ikh-i Turk and the Khojagan: Rethinking the Links between the Yasavi and Naqshbandi Sufi Traditions”.// Journal of Islamic Studies, 7:2 (1996) Pp. 180-207.

² Paul, J. Doctrine and Organization the Kh^wajagon-Naqshbandiyya in the First Generation After Baha’uddin. Berlin: Das Arabische Buch, 1998 (ANOR, 1) // Ушбу ишнинг русча таржимасига қаранг: Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) - Санкт-Петербург: 2001. С.114-199.

³ Paul, J. “Scheiche und Herrscher im Khanat Chagatay” Der Islam, 67 (1990.) Pp 284-91.

⁴ Бухорий, Салоҳ бин Муборак. Анисут-толибин ва уддатуссоликин. Техрон: Сазман-и Интишарат-и Кайхон, 1371 / 1992. Б. 84-86.

⁵ Manaqib of Khoja Ali Azizan Ramitani // Islamic Mysticism Contested / ed. Frederik De Jong & Bernd Radtke. Leiden - Boston-Kuln: Brill, 1999. Pp.492-519.

⁶ Köprülü F. Turk edebiyatında ilk mutasavviflar. (7. Baski). Ankara: 1991. - S.160.

Девин де Уис ўз тадқиқотининг хулоса қисмида яссавийлик тариқатининг анъаналари бардавом бўлиб, унинг таъсир доираси кенгайиб борганига қарамай, XVII-XVIII асрларда бу тариқатга нисбатан нақшбандийлик кенгроқ тарқалгани, айниқса, унинг янги тармоғи муҷаддийийа фаол бўлганини қайд этади⁷.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА (RESULT AND DISCUSSION)

Яссавийлик ва нақшбандийликка оид хориж олимнинг юқоридаги қарашларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу икки тариқат вакиллари бир-бирларининг бир тариқатга боғлиқликларини тан олмасликлари тадқиқотда кўп мулоҳаза юритишга ундайдиган масаладир. Бироқ XV асрга келиб нақшбандийликнинг ривожланиб кетишига сабаб нима эканлигини аниқлаш ҳам илмий жиҳатдан очиб беришни тақазо этади. Қуйида яссавийликнинг ижобий хусусиятларини айрим қарашлар билан очишга ҳаракат қиламиз.

Нақшбандийлик тариқати ташкил топган даврда тасаввуф анча тараққий этиб, кўпчилик унинг мазмун-моҳиятини тушуниб қолган эди. Иккинчидан, ундаги ҳақиқатга чорлов кескин эмас, балки замон билан бирга олиб бориларди. Айни шу масала унинг бардавомлигини таъминлаган десак янглишмаган бўлармиз, балки. Яссавийлик эса, содда кўриниши билан кўчманчи туркий халқларни (Яссавий) ҳикматлари орқали ўзига чорлаб, уларнинг қилаётган амаллари нотўғри эканлигидан бохабар этувчи, оддий кишиларнинг тўғри йўлга киришларига сабаб бўлувчи таълимот эди.

Энди яссавийликнинг юзага келишидаги дастлабки воқеаларга тўхталсак. Ривоятларга кўра, валийлик Хожа Аҳмад Яссавийга Пайғамбар (с.а.в.) даврларидан воситачилик орқали етган, яъни Яратган томонидан тақдир қилиб қўйилган. Аҳмад Яссавийга валийликнинг етиши қуйидаги воқеадан маълум бўлади. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) саҳобалар даврасида бир дуо қиладилар, шундан сўнг Жабройил алайҳиссалом Жаннатдан бир товоқда хурмо олиб келадилар. Ана шунда хурмолардан бири ерга тушиб қолади. Ҳазрати Жабройил алайҳиссалом: “Бу хурмо сизнинг умматингиздан бўлмиш Аҳмад Яссавийнинг насибасидир,” - дейдилар. Сўнгра Пайғамбаримиз (с.а.в.) ушбу омонатни саҳобалардан бири Арслонбобга топширадилар.⁸ Демак, Хожа Аҳмад Яссавийга валийлик Яратгандан ошкора тақдир этиб қўйилган. Валийлик мақомига эришишлик ҳам илоҳий бир боғлиқликнинг самарасидир. Хожа Аҳмад Яссавий етти ёшларида Арслонбобдан хурмо, яъни маънавий неъматни қабул қилиб олишлари жараёни ҳам ўзига хос мўъжизанинг ўзгинаси. Уч-тўрт асрдан ортиқ яшаб, Турон ўлкасида ёш Аҳмадни топган Арслонбоб билан боғлиқ қарашларчи, бу ҳам мўъжиза эмасми?! Шу ўринда қуйидаги ҳикматни мисол тариқасида келтириб ўтамиз:

Етти ёшда Арслон бобом излаб топди,

Ҳақ Мустафо омонатин қилди инъом,

Ўшал вақтда минг бир зикрин қилдим тамом

Нафсим ўлиб ломаконға ошдим мано.⁹

Валийлик, яъни етук муршиди комил бўлишлик бизнинг тасаввуримиз етмайдиган даражадаги неъматдир. Ундаги сир-синоат ҳам биз ўйлаганчалик жўн эмас, балки сирларнинг сири макон топган илоҳий тухфадир. Хожа Аҳмад Яссавий ҳам Абдулхолиқ Гиждувоний ҳам бир устоз (муршид) нинг халифа (мурид) лари бўлганлар. Бироқ икки халифа бошқа-бошқа тариқатга асос

⁷ See: Kugelgen, Anke V. “Die Entfaltung der Naqshbandiya Mujaddidiya im Mittleren Transoxanien vom 18. bis zum Beginn des 19. Jahrhunderts: ein Stück Detektiv Arbeit” // Muslim Culture in Russia and Central Asia from 18th to the Early 20th Centuries. Vol2: Inter-Regional and Inter-Ethnic / Verlag, 1998. Pp 101-151.

⁸ See: Köprülü F. Turk edebiyatında ilk mutasavviflar. (7. Baski). Ankara: 1991. B.27-29.

⁹ Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳаққулов И.) Тошкент.: 1991. Б.45.

солган. “Зинҳор-базинҳор бу фақат Абдулҳолиқ Гиждувоний билан Хожа Аҳмад Яссавийнинг шахсий истаги билангина амалга ошиб кетаверган ҳодиса деб қаралмаслиги керак”¹⁰, - дейди таниқли адабиётшунос Султонмурод Олим, ҳақли равишда. Чунки сўфийлар пири комилларининг оддий инсонлар пайқамайдиган ишоралари туфайли муайян бир вазифа билан машғул бўла бошлаганлар ва уни сидқидилдан бажаришга киришганлар. Хожа Аҳмад Яссавийга ҳам ана шундай ишора етганлиги, Яссавий ва унинг издошлари томонидан айни тариқатнинг Турон заминида кенг ёйилишидан далолат беради. Маълумки яссавийлик таълимоти фақат туркий халқлар (яъни авом, баъзи хорижий манбаларда “ёввойи”¹¹) нинг ислом динига киришларига зўр восита, яъни маънавий қурол бўлди. Бу, ўша давр учун, ўша кўчманчи халқ учун, уларнинг саводдан мосуво эканликларини инобатга олиб, осон йўл билан, охират, қиёмат ҳақида халқнинг басират кўзини очиб қўйишга сабаб бўлган тариқат сифатида қарор топди. Қўйидаги ҳикматга диққатингизни жалб этамиз:

Қул Хожа Аҳмад, банда бўлсанг йиғлаб юрғил,

Муҳаббатни мажлисига ўзинг урғил,

Қиёматни шиддатидин мотам қурғил,

Мотам қурган сирдан хабар олар, дўстлар.¹²

Яссавийлик таълимоти давр, муҳит таълимоти, жамият истаган, халқнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб қарор топган содда нажоткор таълимот эди. Хожа Аҳмад Яссавий етук билим эгаси: ғайб илми, дунё илмини чуқур эгаллаган буюк аллома эканликлари ва гўзал хулқ соҳиби бўлганликларига ҳам ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шундай экан унинг таълимотидаги соддаликни (ҳикматларга ишора) ўта примитив тарзда талқин этиш ҳам ножоиз. Яссавийликдаги энг олий масала ислом арконлари: шариатни, Қуръон ва Ҳадисларни ҳамда Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларини оддий халқ тушуниши даражасида туркийлаштирилиб (ҳикматлар орқали) етказиш ва жоҳил кишиларни илмли (хусусан, дин илмидан воқиф) бўлишга даъват қилишдан иборат эди. Ҳикматлардаги шеърларга келсак, улар ҳеч қандай мураккаблик туғдирмайдиган ўқилиши ва тушунилиши содда бўлган ижод намуналаридир. Бу шеърятни XIV-XV аср шеърятни (тасаввуфий мазмундаги) билан ҳеч қачон (гарчи бу ҳикматлар XVII-XVIII асрларга тўғри келса-да) солиштирмаслигимиз керак. Чунки бирон бир мақсадни амалга оширишда аввало оддийликдан мураккабликка қараб борилади. Яссавийлик айни шу ҳолатни ўз даврида зиммасидан соқит қилди ва минглаб кишиларнинг тўғри йўлга киришларида етарли даражада камарбаста бўлди. Яссавийликдаги бу соддаликнинг мураккаб шакли нақшбандийликда давом этмоқда. Яссавийлик гарчи муайян бир тариқат сифатида бугунги кунгача сақланиб қолмаган бўлса-да, нақшбандийликнинг бағрида яшаб келмоқда. Бироқ шуниси ажабланарлики, бир тариқатнинг вакиллари иккинчи бир тариқатнинг аъзолари билан келишмай қолганликлари, улар ўртасида кескин баҳс-мунозаралар бўлганлиги тўғрисида хорижий манбаларда ўқиймиз. Ушбу рақобатчиликнинг бош сабаби (яъни яссавийлик ва нақшбандийликдаги) зикр тушишдадир. Маълумки, яссавийлик “жаҳрийлик”ка асос солган. Бу зикр тушишнинг ўз даврига хос кўриниши эди. Эҳтимол, бу билан халққа яқин бўлингандир балки, ошқора зикр авом халққа (масжид ёки ҳонақоҳларда) эшитилиб, яъни жўр бўлиб амалга оширилгандир. Шундай экан, яссавийликдаги ошқора зикрни нақшбандийлик тариқати вакиллари тўғри англамоқлари керак эди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг улуғ устози пири комил Юсуф Ҳамадоний гарчи аввал зикри алония (зикри жаҳрия)га мўътақид бўлса ҳам Хизр алайҳиссалом иршоди ва кўрсатмаси билан

¹⁰ Олим С. Нақшбанд ва Навоий.: - Т. Ўқитувчи. 1996, Б.61.

¹¹ DeWeese, Devin A. “The Masha’ikh-i Turk and the Khojagon: Rethinking the Links Between the Yasavi and Naqshbandi Sufi Traditions” // Journal of Islamic Studies, 7:2 (1996). Pp. 180-207.

¹² Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳаққулов И.) Тошкент.: 1991, XXII ҳикмат, Б.114.

зикри дил (зикри хуфия)ни ижро қила бошлаган.¹³

Шунингдек, муридларига айни йўлни тавсия этганлар, бироқ ошкора зикрни маслаҳат бермаганлар. Улуғ шайх умрининг сўнгги онларида муридлари Абдуллоҳ Баррақий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий ва Абдулҳолиқ Гиждувонийга ҳамда ўша ерда ўтирган қолган дўстларига қараб шундай деган эдилар: "...Иршод навбати сизга келгач, гўзал ва саодатли ҳаёт кечиринглар, муридларга қалб зикри (зикри хуфия) қилишларини, баланд овоз билан зикр этмасликни тушунтиринг..."¹⁴ Жаҳрий зикрнинг яссавийликда сақланиб қолиши улуғ пир Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг дастлабки талаби эканлигидан далолатдир. Гарчи устоз тавсияси зикри хуфия бўлса-да, унинг тўртинчи халифаси Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний издошларидан Хожа Ориф Ревгарий ҳам унинг муриди Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳамда унинг издоши Хожа Али Ромитонийлар ушбу зикрга рағбат билдириб, жаҳрийликни ҳам бирга қўллаб турганлар. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий якка шахс учун зикри ҳафийни (зикри хуфияни) жамоат учун зикри жаҳрияни афзал кўрарди.¹⁵ Бундан шу маълум бўладики, жаҳрий зикр кескин қораланмаган ва унинг муридлар томонидан амалга оширилиши ихтиёрий (вазият, шароитга қараб) бўлган. Яссавийликдаги жаҳрий зикр, устоз таълимотидан четга чиқиш дегани эмас, балки муршиди комил аввал истифода этган амалининг мурид томонидан кенг оммалашуви холос. Бизга маълум бўлмаган муршиди комил ва шайхлик даражасига кўтарилган шогирд ўртасидаги бир маънавий ишора, жаҳрийлик таълимоти айни туркийларнинг орасида йўлга қўйилишига сабаб бўлгандир, эҳтимол.

ХУЛОСА (CONCLUSION)

Яссавийлик гарчи нақшбандийликдан ортда қолган (бугунги кунда сақланиб қолмаган) тариқат бўлса-да, у ўз даврида энг зарур ва халқ истагидаги таълимот эди. Ҳикматлардаги соддалик ҳам ўз даврига хос бўлиб, жамиятдаги бузғунчиликни олдини олишда, маънан қашшоқлашиб бораётган халқни инсофга чақиришда, уларни Ислом динига эътиқод этишларида ва тўғри йўлни фақат ушбу дин орқали амалга ошириш мумкинлигини уларнинг онгига сингдиришда етарли даражада туртки бўлди. Икки тариқат ўртасидаги рақобатга келадиган бўлсак, асосан, зикр тушиш (яъни тариқатлардаги "жаҳрийлик" ва "ҳафийлик") уларни келиштирмас эди. Аслида бу - зикр тушишнинг турли йўллари, вазият ҳамда шароит маҳсули эканлигини билиш ва уларга ҳолисона (бир-бирини инкор қилмаган ҳолда) ёндашиш кераклигини англаб етиш зарур эди. Гарчи бу каби зиддиятли ҳолатлар қачонлардир учраган бўлса-да, бугунги кунда яссавийлик ва нақшбандийлик маънан баркамол тариқатлардир ва улар юртимизнинг бой маънавий кадрятлари сифатида кадрланмоқда.

Used literature:

1. DeWeese, Devin A. "The Masha'ikh-i Turk and the Khojagan: Rethinking the Links Between the Yasavi and Naqshbandi Sufi Traditions" // *Journal of Islamic Studies*, 7:2 (1996) Pp. 180-207.
2. Paul, J. *Doctrine and Organization the Kh^wajagon-Naqshbandiyya in the First Generation After Baha'uddin*. Berlin: Das Arabische Buch, 1998 (ANOR, 1) // See Russian version: Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) - Санкт-Петербург: 2001. С.114-199.
3. Paul, J. "Scheiche und Herrscher im Khanat Chagatay" *Der Islam*, 67 (1990.) Pp 284-91.

¹³ Усмон О. Шайх Абдулҳолиқ Гиждувоний. (Масъул муҳаррир С.Рафиддинов). Илмий оммабоп рисола. - Тошкент, Мовароуннахр, 2003 йил. -68 б., Б.8.

¹⁴ Сайфуллоҳ С., Ҳасан Н. Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Таржимон ва нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи: филология фанлари номзодлари. - Т.: Янги аср авлоди. 2003, Б.29.

¹⁵ Сайфуллоҳ С., Ҳасан Н. Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Таржимон ва нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи: филология фанлари номзодлари. - Т.: Янги аср авлоди. 2003, Б.41-44.

4. Бухорий, Салоҳ бин Муборак. Анисут-толибин ва уддатуссоликин. Техрон: Сазман-и Интишарат-и Кайхон, 1371 / 1992. Б. 84-86.
5. Manaqib of Khoja Ali Azizan Ramitani // Islamic Mysticism Contested / ed. Frederik De Jong & Bernd Radtke. Leiden – Boston-Kuln: Brill, 1999. Pp.492-519.
6. Köprülü F. Turk edebiyatında ilk mutasavviflar. (7. Baski). Ankara: 1991. - s.160.
7. Kugelgen, Anke V. “Die Entfaltung der Naqshbandiya Mujaddidiya im Mittleren Transoxanien vom 18.bis.zum. Beginn des 19. Jahrhunderts: ein Stuck Detektiv Arbeit” // Muslim Culture in Russia and Central Asia from 18th to the Early 20th Centuries. Vol2: Inter-Regional and Inter-Ethnic / Verlag, 1998. Pp 101-151.
8. Яссавий, Аҳмад. Ҳикматлар. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳаққулов И.) Тошкент.: 1991. Б.45.
9. Олим С. Нақшбанд ва Навоий.: - Т. Ўқитувчи. 1996.
10. Усмон О. Шайх Абдулхолиқ Гиждувоний. (Масъул муҳаррир С.Рафиддинов). Илмий оммабоп рисола. - Тошкент, Мовароуннахр, 2003 йил. -68 б.
11. Сайфуллоҳ С., Ҳасан Н. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. -Т.: Янги аср авлоди. 2003.